



ҚАРОР

2007 йил 11-январ

№ 12-К

**Ер ости сув кудугини куришга  
рухсат бериш тўғрисида**

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 405-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Оксой кишлоғидаги № 13-сон мактаб ҳудудидан ер ости сув кудугини куриш буйича 2007 йил манзилий дастурга киритилганлиги муносабати билан, мазкур ҳудудда ер ости сув кудугини куриш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тумандаги Оксой кишлоғидаги № 13-сон мактаб ҳудудидан ер ости сув кудуги курилиши ишларини бажаришга рухсат берилсин.
2. Туман «Сувокова» ишлаб чиқариш корхонаси (А.Мардонов)га барча тегишли ҳужжатларни туплаб вилоят инжиниринг компаниясига топшириш вазифаси юклатилсин.
3. Туман бош архитектори Р.Файзиевга 2007 йили Оксой кишлоғидаги № 13-сон мактаб ҳудудидан ер ости сув кудугини куриш ишларини амалдаги қонунлар асосида бажарилишини назорат қилишга юклатилсин.
4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари З. Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

**Ж. Ибрагимов**